

МУҲИМ ФАКТ № 06

Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар

1.	ЭМИТЕНТ НОМИ							
	Тўлиқ:			«Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамияти				
	Қисқартирилган:			«Ўзбекэкспертиза» АЖ				
	Биржа тикерининг номи:			UZEK				
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери:			Тошкент ш, Паркент кўчаси, 51				
	Почта манзили:			100007, Тошкент ш, Паркент кўчаси, 51				
	Электрон почта манзили:			info1@expertiza.uz				
	Расмий веб-сайти:			www.expertiza.uz				
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:			06				
	Муҳим фактнинг номи:			Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар				
	Умумий йиғилиш тури:			Йиллик				
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:			27.06.2025й.				
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:			07.07.2025й.				
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:			Тошкент ш, Паркент кўчаси, 51				
	Умумий йиғилиш кворуми:			81,84 %				
	№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
	1.	Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қоидаларини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
	2.	Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес - режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.	100 %	1 306 540				
	3.	Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий - хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
	4.	Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				

5.	Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоланиши натижаларини маъқуллаш.	100 %	1 306 540				
6.	Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил мобайнидаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.	100 %	1 306 540				
7.	Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича соф фойда тақсимланиши тартибини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
8.	Жамиятнинг 2025 - 2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
9.	Жамиятнинг 2025 йил учун бизнес - режасини тасдиқлаш.	0,58%	7 630	99,42%	1 298 910	-	-
10.	Жамиятнинг аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.	100 %	1 306 540				
11.	Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини аниқлаш, унинг хизматлари учун тўловнинг энг кўп миқдори ва у билан 2025 йилга мўлжалланган шартнома тузиш.	100 %	1 306 540				

12.	Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
13.	Жамият янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.	100 %	1 306 540				
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	Таклиф қилинган йиллик умумий йиғилиш қоидалари тасдиқлансин.						
2.	Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес - режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.						
3.	Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий - хўжалик фаолияти бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг мустақил аудиторлик хулосаси 2-сонли иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.						
4.	Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини 3-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.						
5.	“FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланган Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоланиши натижалари бўйича ҳисоботи 5-сонли иловага мувофиқ маъқуллансин.						
6.	Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил мобайнидаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи 6-сонли иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.						
7.	Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган 5 829 998 380 сўм миқдоридаги соф фойдасини тақсимлаш тартиби 7-сонли иловага мувофиқ, қуйидагича тасдиқлансин: 1. Дивидендлар тўлаш учун - 2 921 668 200 сўм ёки соф фойданинг 50,1 фоизи (Асос: Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сон Қонуни); 2. Жамият тараққиёти учун - 2 908 330 180 сўм ёки соф фойданинг 49,9 фоизи.						
8.	Жамиятнинг 2025 - 2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси 8-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.						
9.	- Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун қолдирилсин; Жамият Ижроия органи: - ўн кун муддатда Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси қайтадан ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш ва мақуллаш учун Кузатув кенгашига киритсин; Жамият Кузатув кенгаши: - Жамиятнинг 2025 йил учун Бизнес-режасини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб мақулласин ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилига киритсин.						
10.	- кейинги йиллик умумий йиғилишигача жорий тадбиркорлик фаолияти давомида шартномалар тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхати 9-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.						

11.	- Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилсин; - Танлов натижалари бўйича Жамиятни 2025 йил мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини аниқлаш, унинг хизматлари учун тўловнинг энг кўп миқдори ва у билан 2025 йилга мўлжалланган шартнома тузиш масаласи навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.
12.	Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин; Жамият Ижроия органи: - икки ҳафта муддатда, жамиятни билим ва амалий кўникмаларга ҳамда вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминласин; - йигирма кун муддатда, ҳар бир бўлимнинг низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини мазкур қарорга мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.
13.	Жамиятнинг Янги таҳрирдаги устави 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.